

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АКРАМОВА ГУЛЗОДА ГАЙРАТУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИДАГИ 2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА
ДИАБЕТ РЕТИНОПАТИЯСИ БЎЛГАН ЭРКАКЛАРДА ACE, VEGF ВА
TGF ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИ АНИҚЛАШНИНГ
КЛИНИК АҲАМИЯТИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акратова Гулзода Гайратуллаевна Ўзбек популяциясидаги 2-тур қандли диабетда диабет ретинопатияси бўлган эркекларда ACE, VEGF ва TGF генлари полиморфизмини аниқлашнинг клиник аҳамияти.....	3
Акратова Гулзода Гайратуллаевна Клиническое значение определения полиморфизма генов ACE, VEGF и TGF у мужчин с диабетической ретинопатией при сахарном диабете 2 типа узбекской популяции.....	17
Akratova Gulzoda Gayratullaевна The clinical significance of determining the polymorphism of the ACE, VEGF and TGF genes in men with diabetic retinopathy in type 2 diabetes mellitus of the Uzbek population.....	31
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published scientific works	34

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АКРАМОВА ГУЛЗОДА ГАЙРАТУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИДАГИ 2-ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА
ДИАБЕТ РЕТИНОПАТИЯСИ БЎЛГАН ЭРКАКЛАРДА ACE, VEGF ВА
TGF ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИ АНИҚЛАШНИНГ
КЛИНИК АҲАМИЯТИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акбаров Заирходжа Сабирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Урманова Юлдуз Махкамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Бобоев Қодиржон Тўхтабоевич
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қозоғистон тиббиёт узлуксиз таълим университети
(Олмата, Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019йил«__»_____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2019йил«__»_____ да тарқатилди.

(2019 йил«__»_____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори.

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси нотациси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда йил сайин ўсиб бораётган қандли диабет (ҚД) ва унинг асоратлари инсоният учун катта азоб-уқубатларга ва катта иқтисодий харажатларга олиб келмоқда. Халқаро диабет федерацияси (ХДФ) маълумотларига кўра “...2017 йилда дунёда қандли диабет билан оғриган беморларнинг сони 425 миллионни (8,8%) ташкил этган. Ўзбекистонда аҳолининг 5% қандли диабет касаллигига чалинган, аммо 230 мингдан ошқроқ одам (0,8%) расмий қайд этилган...”¹. Қандли диабетнинг қон томирга боғлиқ асоратлари, шу жумладан беморларда ривожланган кўрлик эрта ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабчисидир. Шу муносабат билан қандли диабетни ахборотлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бутун дунёда қандли диабет ҳамда унинг асоратлари ривожланишининг генетик хавф омилларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўтказилган тўлиқ генопли тадқиқот туфайли қандли диабет ва унинг асоратлари ривожланишига нисбатан генетик мойилликни ўрганишда сезиларли ютуқларга эришилган (Genome-Wide Association Studies – GWAS). Кўрликнинг асосий сабабларидан бири диабетик ретинопатиядир (ДР). Диабет ретинопатиянинг пролифератив босқичи кўз тўр пардаси томирларининг фаол равишда янгитдан ҳосил бўлиши ҳамда фиброз – васкуляр тўқиманинг шаклланиши билан тавсифланади. Ҳозирги вақтда диабет ретинопатия ривожланиш омилларига маълум метаболик (гипергликемия, дислипидемия) ва гемодинамик омиллар (артериал гипертензия, нефропатия) билан бир қаторда ирсий, молекуляр-генетик омиллар ҳам мавжудлиги тан олинган.

Ўзбекистонда ҳам ҚД ва унинг асоратлари ривожланишининг генетик маркерларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. «...1-турдаги қандли диабет (1-тур ҚД) билан касалланган болалар ва ўсмирларда диабет нефропатиянинг ривожланишида ACE генининг I/D полиморфизми аҳамияти кўрсатилган...»². «...2-турдаги қандли диабет (2-тур ҚД) ривожланишида ACE генининг I/D полиморфизми ва TCF7L2 генининг C/T полиморфизмини аҳамияти, уларнинг 2-тур ҚД билан оғриган беморларда миокард инфаркти ривожланишидаги аҳамияти ҳамда ACE гени I/D полиморфизмининг диабет нефропатия...»³ ривожланишидаги таъсирини ўрганган. Н.М. Алиханова маълумотларига кўра, Ўзбекистонда диабет ретинопатия 2016 йилда 34,9% қайд этилган. Мувофиқ равишда беморларнинг 0,4% да кўрлик ривожланган. 50-59 ёшдаги беморлар орасида ДР кенг тарқалганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон ва 2016 йил 2 ноябрдаги “2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва

¹ IDF Atlas 8th Edition

² Садиковой А.С. Эпидемиологические и фармако-генетические особенности хронической болезни почек при сахарном диабете 1 типа у детей и подростков узбекской популяции // Автореферат. – 2018. С 33-43.

³ Тахировой Ф.А. Клинико-генетические аспекты СД 2 типа и его некоторых макро-и микрососудистых осложнений // Автореферат. -2018. С 27-31.

болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида'ги ПҚ-2650-сон Қарорларида, шунингдек фаолиятнинг ушбу соҳасига тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фани ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фани ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги учта ўн йиллик ичида ҚД билан касалланган одамлар сони тобора кўпайиб бормокда, бу эса барча мамлакатларнинг жамоат соғлиғини сақлашнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланган. Дастлабки ахборотларга кўра, 2040 йилга келиб ҚД билан касалланганлар сони 642 миллион кишига (10,4%) кўпаяди [International Diabetes Federation Atlas, 8th edition, 2017]. ЖССТ экспертларининг ҳисоботида келтирилишича, 20 йилдан ортиқ вақт давомида ҚД билан оғриган беморларнинг 10% кўриш қобилиятининг йўқолиши туфайли меҳнатга яроқсиз бўлиб қолади, 50% эса сурункали буйрак етишмовчилиги туфайли нобуд бўлади [WHO Expert Consultation, 2018].

Диабет ретинопатия 2-тур ҚД билан оғриган беморларнинг 75% да аниқланади ва диабетнинг энг кўп учрайдиган асоратларидан бири ҳисобланади, бутун дунё бўйлаб 20-74 ёшдаги одамларда кўриш қобилиятини йўқолишига олиб келувчи асосий сабабчидир [Gong J-Y., 2013].

ХДФ ҳисоб-китобларига кўра, ҚД га чалинган кишилар сонининг кўпайиши билан, кўриш қобилиятига хавф солувчи диабет ретинопатиялар сони (оғир непролифератив диабет ретинопатия, пролифератив диабет ретинопатия ва диабет макуляр шиш) 2030 йилга келиб, мувофиқ равишда 191,0 миллион ва 56,3 миллионгача кўпаяди [International Diabetes Federation, 2015].

Касаллик асосида ётувчи патогенетик механизмлар ҳали ҳам аниқ эмас. Диабет ретинопатиянинг асосий сабабчиларига гипергликемия ва касалликнинг давомийлиги киради. Аммо, улар диабет ретинопатиянинг ривожланиш механизмларини барчасини эмас, балки баъзиларини тушунтириб бера олади. Шундай ҚД билан оғриган беморлар бор-ки, уларда касаллик ривожланганига кўп вақт бўлмаган ва доимий равишда гликемия назоратига қарамасдан диабет ретинопатия ривожланади, бошқаларида эса узоқ давом этган ҚД шароитида ва давомий гипергликемия ҳолатига қарамасдан диабет ретинопатия ривожланмайди [Luo S., 2016]. Атроф муҳитнинг кучли омилларини мавжудлиги (гликемия ва ҚД нинг давомийлиги) ретинопатия ривожланиш хавфини тахминан 11% кўриниш турларини тушунтиради. Шунга ўхшаб, гликирланган гемоглобин, қон босими ва умумий холестерин миқдори ретинопатия ривожланиш хавфининг атиги 10% кўриниш турларини тушунтириб беради, қолган 90% ретинопатия ривожланиш хавф кўринишлари бошқа хавф омиллари билан тушунтирилади.

Ва ниҳоят, популяцион тадқиқотлар шуни кўрсатадики, микроаневризмалар каби ретинопатиянинг белгилари ҚД сиз беморларнинг 7–13% ва гликозилланган гемоглобин даражаси анча паст бўлган беморларнинг 5% аниқланди [Қуо J., 2014]. Бир қатор тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, диабет ретинопатия ривожланишида гликемик назорат билан ҳам, ҚД давомийлиги билан ҳам ўзаро боғлиқ бўлмаган маълум бир ирсий компонент муҳим роль ўйнайди [Нан J., 2019; Лу Y., 2012]. Ҳаммаси бўлиб 65 та ген топилган ва уларнинг баъзилари диабет ретинопатия ривожланишида, жумладан тизимли яллиғланиш, ангиогенез ва нейрогенезда муҳим роль ўйнавчи асосий сигнал йўлларига тегишли. Диабет ретинопатиянинг учраш даражаси ва оғирлик даражаси бўйича этник гуруҳлар ичида ва гуруҳлараро ўзаро фарқ қилади: лотинамерикаликлар, африка миллатига мансуб кишилар ва осиеликлар диабет ретинопатия ривожланишига кўпроқ мойил бўлишади [Prisackova P., 2016].

Диабет ретинопатия тўғрисидаги генетик гипотезани қўллаб-қувватловчи бир нечта тадқиқотларда АҚШ аҳолиси орасида диабет ретинопатия тарқалиш кўрсаткичининг номувофиқлиги аниқланди, бу ерда лотинамерикаликлар, афро-америкаликлар ва келиб чиқиши хитойлик бўлган америкаликлар орасида анча юқори тарқалганлик даражаси кузатилган. Оқ танлилардан фарқли равишда афро-америкаликлар ҚД давомийлиги, гликемик назорат ва артериал қон босими каби бошқа хавф модификаторларига эга, бизнинг фикримизча, диабет ретинопатия ривожланишининг кенг тарқалганлиги шу билан тушунтирилади, аммо ушбу омиллар лотинамерикаликлар орасида кузатиладиган янада юқори тарқалганлик даражасини тушунтириб бера олмайди, бу эса бошқа омиллар, шу жумладан генетик омиллар ҳам диабет ретинопатияга нисбатан мойилликка таъсир қилишидан далолат беради [Pollack S., 2019].

Диабет ретинопатия патофизиологияси тўғрисида билимга эга бўлиш, ривожланиши ва прогрессирланишида асосий аҳамиятга эга бўлган мавжуд номзод генларни таклиф қилиш имконини беради. Номзод генларни ўрганишда, диабет ретинопатия бўлган ёки усиз беморларда маълум бир генетик вариантларнинг учраш даражаси таққосланади. Ушбу ёндашув диабет ретинопатия ривожланишида асосий аҳамиятга эга бўлган бир нечта генларни аниқлади. Бу генлар организмдаги турли хил физиологик ва патофизиологик жараёнларнинг, кўпинча яллиғланиш билан боғлиқ, масалан, РААТ (ренин-ангиотенсин-алдостерон тизими), глюкоза билан индуцирланган йўллар, хужайрадан ташқари матриксни қайта моделлаш, томир эндотелий дисфункцияси ва ангиогенезнинг бир қисмидир.

Диабет ретинопатияга мойиллик нисбатан кенг тарқалган, оддий самарадорликка эга аллел вариантларнинг кўп сонига ҳамда ушбу генларнинг бир-бири билан ўзаро ва атроф-муҳит таъсири билан боғлиқ деган фикр мавжуд. Ҳар бир аллелик вариантлари диабет ретинопатияга нисбатан мойилликни озгина қисмга ошириб борди.

Бугунги кунда ҚД нинг қон томир асоратлари ривожланишида иштирок этадиган бир қатор номзод генлар мавжуд. Улар орасида

ангиотензин I (ACE), томир эндотелийсининг ўсиш омили (VEGF-A) ва трансформацияланувчи $\beta 1$ ўсиш омили (TGF- $\beta 1$) аҳамиятга эга. VEGF-A ва TGF- $\beta 1$ қон томир эндотелийсининг фаол ўсишини индуцирловчи ва янги капиллярлар шаклланишига олиб келувчи ангиогенезнинг асосий регуляторлари ҳисобланади. Кўпгина популяцияларда VEGF-A ва TGF- $\beta 1$ ген полиморфизмлари пролифератив диабетик ретинопатия (ПДР) билан боғлиқ. Диабетик ретинопатия билан касалланган эркакларда келтирилган генлар полиморфизми ўрганилмаган.

Шундай қилиб, сўнгги йиллардаги илмий изланишлар диабет ретинопатия ривожланишидаги хавф омилларининг ролини ўрганиш зарурлигини ишончли исботлади. Хавф омиллари ва генетик маркерларнинг ахборотли аҳамиятини баҳолаш ҚД билан оғриган беморлар орасидан пролифератив ретинопатия ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳни аниқлаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишларининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС 12.2 «Ўзбек популяциясидаги 2-турли ҚД TCF7L2, ACE, eNOS генлари генотипининг тақсимланишига асосланган ҳолда диабетик макроангиопатия (ЮИК, миокард инфаркт) ва микроангиопатияни (нефропатия, ретинопатия) ахборотлаш усуллари ва олдини олиш алгоритмини ишлаб чиқиш» (2012–2014) ва АДСС 15.12.2 «Қандли диабет ва унинг асоратларини ахборотлаш, скрининг, молекуляр-генетик усулларни қўллаш орқали ташхислашни ва инсулин насослари билан даволашни такомиллаштириш» (2015–2017) лойиҳалари доирасида, илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД бўлган диабет ретинопатияли эркакларда ACE, VEGF, TGF генлари полиморфизмини аниқлашнинг клиник ва ахборотли аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2-тур ҚД турли хил хавф омилларига қараб диабетик ретинопатия ривожланишини аниқлаш;

VEGF и TGF ген полиморфизмини соғломлар ва 2-тоифа ҚД билан оғриган беморларда диабетик ретинопатиянинг мавжудлиги ва оғирлик даражасига кўра аниқлаш;

2-тур ҚД чалинган ўзбек популяциясидаги эркакларда пролифератив диабетик ретинопатиянинг ривожланиши ва прогрессирланишида ACE, VEGF, TGF ген полиморфизмининг аҳамиятини баҳолаш;

VEGF ген полиморфизмига боғлиқ равишда ўзбек популяциясидаги 2-тоифа ҚД бўлган беморларда диабетик ретинопатия хусусиятларни таҳлил қилиш;

Ўзбек популяциясидаги эркакларда ACE ва VEGF ген полиморфизмини эътиборга олган ҳолда 2-тур ҚД диабетик ретинопатия ривожланишининг хавф омилларини ахборотли аҳамиятини тавсифлаш.

Тадқиқот объекти 10 йилдан ортиқ давом этган 2-тоифадаги ҚД билан касалланган 45 ёш ва ундан катта бўлган 136 нафар ўзбек миллатига мансуб эркаклар, шунингдек шу ёшдаги 110 нафар соғлом ўзбек эркаклари.

Тадқиқот предмети – анамнез, углевод ва липид метаболизми, гемодинамика ва қон ивиш тизимининг кўрсаткичлари, функционал текширувлар кўрсаткичлари, шунингдек молекуляр-генетик тадқиқотларнинг маълумотлари бўлди.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқотларнинг клиник, биокимёвий, генетик, функционал ва статистик усулларидан, ҳамда офтальмолог кўригидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба ўзбек популяциясидаги деярли соғлом эркакларда VEGF ва TGF ген полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш хусусиятлари аниқланган;

илк маротаба ўзбек популяциясининг 2-тур ҚД бўлган беморларда диабет ретинопатиянинг оғирлик даражасига боғлиқ равишда ACE, VEGF ва TGF ген полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини тақсимланиши исботланган;

ўзбек миллатига мансуб 2-тур ҚД билан касалланган эркакларда пролифератив диабет ретинопатия ривожланишида VEGF-A генининг C634G полиморфизми аҳамияти аниқланган;

2-тур ҚД билан оғриган беморларда пролифератив диабет ретинопатия ривожланиш хавфини эрта аниқлашда VEGF генининг C аллелисини ташувчи полиморфизмининг юқори ахборотли қиймати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД бўлган эркакларда диабет ретинопатиянинг ўзига хос хусусиятлари комплекс равишда баҳоланган;

ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД бўлган эркакларда диабет ретинопатиянинг ривожланиш хавф омиллари аниқланган;

диабет ретинопатия бўлган 2-тур ҚД билан оғриган эркакларнинг маълумотлар базасини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва услубий ёндошув билан клиник тадқиқотни ўтказилганлиги, кузатувдаги беморлар сонининг етарли даражада эканлиги, тадқиқотнинг объектив клиник ва лаборатор-ускунали усуллар натижалари; олинган натижаларнинг статистик текширув усулида тўғрилиги ҳамда хотиманинг халқаро ва маҳаллий тадқиқот натижалари билан қиёсий тахлилига асосланганлиги билан тасдиқланади. Шу билан бир қаторда, тадқиқотчи томонидан олинган натижалар хотима ва хулосаларда маҳаллий ҳамда халқаро изланишлар натижаларига қиёсий тахлил ўтказилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД бўлган эркакларда диабет ретинопатиянинг ривожланиши ва прогрессирланишига таъсир этувчи клиник-анамнестик ва молекуляр-генетик омиллари аниқланди. Олинган хулосалар ва таклифлар ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД бўлган эркакларда диабет ретинопатияни ирсий механизмини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган "Ўзбек популяциясида 2-тур ҚД даги пролифератив диабет ретинопатия учун хавф калькулятор" касалликнинг эрта босқичларида касаллик хавф гуруҳини аниқлаш ва ўз вақтида даволашни бошлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Генетик маркерларни ҳисобга олган ҳолда, 2-тур ҚД беморларда пролифератив ретинопатия учун хавф омилларини интеграл баҳолашга йўналтирилган илмий натижалар асосида:

"Диабет ретинопатия: таснифи, ташхисот, даволаш ва ахборотлаш" мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 17 мартдаги 8н-р / 49-сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсияномани ишлаб чиқиш аҳоли ўртасида генетик тадқиқотларни қўллаш орқали 2-тур ҚД беморларда пролифератив диабет ретинопатиянинг эрта ахборотлашни яхшилашимконини берган;

VEGF ген полиморфизмининг аниқлашнинг клиник аҳамиятини ўрганиш бўйича илмий натижалар академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси, Тошкент вилоятининг эндокринологик диспансери (соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 27 ноябрдаги 8н-з/ 209-сонли хулосаси) амалиётига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш амалга ошириш соғлом кишилар орасида, 2-тур ҚД билан касалланган беморларда пролифератив диабет ретинопатияни эрта ахборотлаш, асоратлар ривожланиш хавфига мувофиқ равишда профилактика чора тадбирларини тўғри танлаш имконини берди, бу эса асоратларнинг якуний босқичларини (кўрликни) ривожланиш даражасини камайтиришга ёрдам берди, ижтимоий-иқтисодий харажатларни камайишига, шу билан бирга беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот иши натижалари республика миқёсидаги 4 та илмий-амалий анжуманда муҳокама этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш чоп этилган, улардан, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 110 варақдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши очиб берилган, эълон қилинган ишлари ва диссертациянинг тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 3 та кичик бобдан иборат бўлган **“Диабет ретинопатиянинг эпидемиологияси”** деб номланган биринчи бобида илмий ишнинг долзарблиги ва заруриятини асослаган ҳолда адабиётлар шарҳи ва диссертация мавзуи бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳи келтирилади. Диабет ретинопатия (ДР) га тааллуқли эпидемиологик тадқиқотларнинг натижалари келтирилган, ДР хавфи омиллари баён этилган ва бошқа популяцияларда пролифератив диабет ретинопатия соҳасидаги генетик тадқиқотларнинг натижалари тақдим этилган, бундан ташқари ушбу илмий ишда ўрганиш учун танланган ACE, VEGF ва TGF генлари полиморфизмларининг тавсифи берилган, ҚД асоратларининг ривожланишида келтирилган генлар полиморфизмининг роли, шунингдек 2-тур ҚД бўлган беморларда пролифератив диабет ретинопатия ривожланиш хавфини баҳолашнинг турли усуллари баён этилган, касалликни ташҳислаш ва даволашнинг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинган, шунингдек ушбу муаммонинг ҳал қилинган ва ўзининг ечимини талаб қилаётган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг **«Ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД да ДР бўлган эркакларда ACE, VEGF ва TGF генлари полиморфизмларининг клиник-прогностик аҳамиятини аниқлаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби ўз ичига тадқиқотнинг клиник материали, лаборатория-функционал, генетик ва статистик усуллари умумий тавсифини олади.

Ушбу босқичда барча эркакларда анамнез, антропометрик, умумий клиник маълумотлар тўпланди, кузатилувчиларнинг 2 та гуруҳи шакллантирилди: 2-тур ҚД бўлган беморлар (асосий гуруҳ $n=136$) ва деярли соғлом шахслар гуруҳи (назорат гуруҳи $n=110$), ҳар икки гуруҳ учун анкета-сўровномалар ишлаб чиқилди.

Диабет билан касалланган беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: 2-тур қандли диабет, эркак жинси, 45 дан катта ёш, ўзбек миллати.

Диабет билан касалланган беморларни тадқиқотга киритишни истисно этиш мезонлари қуйидагилар бўлди: 1-тур қандли диабет, аёл жинси, 45 дан кичик ёш, уч авлоди мобайнида ўзбек миллатига мансуб бўлмаган шахслар.

Деярли соғлом одамларни тадқиқотга киритиш мезонлари: эркак жинси, ўзбек миллатига мансублик, ёши 45 дан катта бўлиш, семиз бўлмаслик ($ИМТ < 30 \text{ кг/м}^2$), артериаль гипертониясиз ($АБ < 140/90$ мм сим.уст.), ЮИК

(стенокардия ва МИ) бўлмаслиги, кўз тўрпардасининг бошқа жиддий патологиялари, ўткир касалликлар бўлмаслиги кабилардан иборат.

Деярли соғломлар гуруҳига киритишни истисно этадиган мезонлар қуйидагилардан иборат бўлди: аёл жинси, семириб кетган, ЮИК, АГ, кўз тўр пардасининг зарарланиши, ўткир касалликлари, 2-тур ҚД бўлган бемор билан яқин қариндош бўлган 45 ёшдан кичик эркаклар, уч авлоди мобайнида ўзбек миллатига мансуб бўлмаган шахслар.

Генетик тадқиқотлар қуйидаги генотипларга эга бўлганларни аниқлашдан иборат бўлди: ACE генининг rs4646994 I/D полиморфизми, VEGF-A генининг rs2010963 C/G полиморфизми, TGFβ1 генининг rs1800471 C/G полиморфизми, бу тадқиқотлар ЎзР ФА Биоорганик кимё институтининг Геномика лабораториясида ўтказилди.

Иккинчи босқичда 2-тур ҚД ли беморлар гуруҳидан диабет ретинопатия мавжудлиги ва оғирлиги бўйича (касаллик 10 йилдан кўп давом этаётган диабет ретинопатияси бўлмаган ва непролифератив диабетик ретинопатияси бўлган беморлар, касаллик қанча давом этаётганлигидан қатъи назар пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган беморлар) 3 та беморлар гуруҳи шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларига Microsoft Excel-2010 дастури пакетидан фойдаланиб статистик ишлов берилди, олинган маълумотларга Statistica 6.0 (StatSoft, USA) амалий дастурлар пакети ёрдамида ишлов берилди. Имкониятлар нисбати (ИН) ва 95% ишончли интервал (95% ДИ) логистик регрессияни қўлланиб ҳисобланди (онлайн калькулятори <http://medstatistic.ru/calculators.html>). Кўрсаткичлар фарқларининг ишончилиги χ^2 нопараметрик мезони (Пирсон мезони) ёрдамида баҳоланди. Меъёрий тақсимланишда миқдорий кўрсаткичлар $M \pm SD$ шаклида тақдим этилган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $p < 0,05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланди.

Генетик тадқиқотларнинг маълумотларини таҳлил қилиш учун χ^2 -мезон, RR (relativerisk, нисбий хавф - НХ), OR (oddsratio; имкониятлар нисбати - ИН) ва 95% CI (confidenceinterval, 95% ИИ - ишонч интервали) Россия Федерацияси “Генетика давлат илмий-тадқиқот институтининг Давлат илмий марказида ишлаб чиқилган сертификатланган “Тасодиф-назорат” тадқиқотларида статистикани ҳисоблаш учун калькулятор” ёрдамида ҳисобланди (http://gen-expert.ru/calculator_or.php).

Прогнозлаш самарадорлиги (AUC-классификатор) $AUC = (Se + Sp) / 2$ стандарт формуласи ёрдамида аниқланди; бу ерда Se (sensitivity) ва Sp (specificity) – тегишлича генетик маркернинг сезувчанлиги ва ўзига хослиги.


ПДР ривожланишига омиллар таъсирининг хавфини яхлит баҳолаш учун Байеснинг эҳтимоллик усулига асосланган Е.Н.Шиганнинг интенсив кўрсаткичларни меъёрлаш (ИКМ) услубиятидан фойдаланилди [Шиган Е.Н., 1986]. Омиллар ва уларнинг градациялари аҳамияти ИКМ нинг “барча” омилларга кўпайтмасидан иборат бўлган нисбий хавф (relativerisk - RR) кўрсаткичини, шунингдек этиологик улушни (etiologicalfraction – EF) қўлланиб аниқланди [Денисов Э.И., 2006].

Диссертациянинг «2-тур ҚД бўлган ўзбек популяциясидаги бемор эркакларда ACE, VEGF, TGFгенлари полиморфизмини ўрганиш»деб номланган учинчи бобида 2-тип ҚД бўлган ўзбек популяциясидаги беморларда диабетик ретинопатиянинг клиник-гемодинамик хусусиятлари баён этилган.

Анамнестик кўрсаткичлар ичида ≥ 60 ёш, касалликнинг давомийлиги ≥ 16 йил, ҚД бўйича наслий оғирлашганлик, АГ ва ЮИК, АГ ва СБК; клиник-лаборатория кўрсаткичлари ичида эса HbA1c $>7,0\%$, кечкурунги ЎАБ ≥ 130 мм.сим.уст., ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л ва ЛВНП $<1,03$ ммоль/л даражаларини нисбий хавф ва 95% ишончли интервал кўрсаткичи бўйича ПДР билан ассоциацияланган аҳамиятли омиллар деб ҳисоблаш мумкин

Ушбу бобда шунингдек генетик тадқиқотларнинг натижалари тақдим этилган.

VEGF-A гени С634G полиморфизмини ДР мавжудлиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда ўрганиш учун 2-тур ҚД бўлган 132 эркак қуйидаги гуруҳларга бўлинди – ретинопатияси бўлмаган (ДР сиз – 34 бемор), нопрлифератив ретинопатияли (НДР, 29 бемор), пролифератив ретинопатияли (ПДР, 69 бемор). Назорат гуруҳига 110 нафар деярли соғлом эркак киритилди (1-расм).



1-расм. Текширилган гуруҳларда VEGF-A гени С634G полиморфизми генотиплари ва аллелларининг тақсимланиш частотаси

Соғлом эркаклар ўртасида генотиплар учрашининг қуйидаги частотасини аниқлашга эришилди: GG генотиби 81 (73,6%) та эркакда, CG генотиби - 25 (22,7%) беморда, CC генотиби 4 (3,6% - $\chi^2=129,6$; $p<0,0001$) пациентда аниқланди, демак соғлом эркаклар популяциясида CC генотиби камроқ учраши аниқ экан. G-аллел частотаси (85,0%) ушбу популяцияда C-аллелга нисбатан аниқ тез-тез қайд қилинади (15,0%; $\chi^2=212,8$; $p<0,0001$). Асосий гуруҳда (2-тур ҚД бўлган беморлар) VEGF-A гени CG полиморфизмини таҳлил қилиш CC гомозиготали генотипнинг ишончли паст частотасини кўрсатди ($\chi^2=40,4$;

$p < 0,0001$). Бунда GG генотипининг частотаси 42,4%, CG – 45,5%, CC – 12,1% ни ташкил этди. Аллелларнинг тақсимланиши қуйидагича: G-аллель - 65,2% ҳолларда, C-аллель - 34,8% ҳолларда ($\chi^2=47,3$; $p < 0,0001$).

VEGF-Агени вариацияларининг ДР билан ассоциатив боғланишларини таҳлил қилишда НДР ва ПДР бўлган шахсларда CG генотипининг тўпланиш тенденцияси аниқланди. ДР бўлмаган беморлар гуруҳида GG генотипининг ортиқлиги ва CC гомозиготали аллелнинг частотаси пастлиги қайд қилинди. Гуруҳлар ўртасида G ва C аллелларининг учраш частотаси муҳим фарқ қилмади, шунга қарамасдан НДР ва ПДР бўлган беморлар орасида ДР сиз пациентлар ўртасидагига нисбатан C аллеллари элтувчилари кўпроқ бўлди.

TGF β 1 гени G915C полиморфизмини ўрганиш натижалари GG генотиби гуруҳларнинг ҳеч бирида аниқланмаганлигини кўрсатди. Статистик ишлов беришда текширилган асосий ва назорат гуруҳларида аллеллар частотаси ва ACE ва TGF β 1 генотипларининг тақсимланишида муҳим фарқлар аниқланмади.

Шундай қилиб, ACE ва TGF β 1 генларининг полиморфизмлари 2-тур ҚД бўлган беморларда ДР ривожланишига таъсир қилмаслиги аниқланди, шу билан бир вақтда ПДР ривожланган 2-тур ҚД бўлган беморларда VEGF гени C634G полиморфизми CG генотипининг боғлиқлиги аниқланди

Диссертациянинг «2-тур ҚД бўлган ўзбек популяциясидаги эркакларда ПДР ривожланиши ва зўрайишида VEGF гени полиморфизми» деб номланган тўртинчи бобида ретинопатия хавфини прогнозлаш учун энг муҳим омилларни аниқлаш мақсадида VEGF гени CC ва GG генотипларига нисбатан GG генотиби ташувчилари ўртасида клиник-анамнез кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили келтирилган, у қуйидагиларни кўрсатди: касалликнинг давомийлиги каби омил ДР ривожланишига муҳим ҳисса қўшади ва генетик жиҳатдан ассоциацияланган (GG CC га қарши – ОР 4,71; 95%ДИ 1,10-20,2; $p=0,02$ ва CG га қарши – ОР 1,81; 95%ДИ 1,12-2,94; $p=0,01$). АГ мавжудлиги ҳам CC гомозиготали генотиби ташувчилари учун аҳамиятли бўлди (ОР 3,26; 95%ДИ 1,16-9,17; $p=0,003$). Бундан ташқари, CG гетерозиготали генотиби учун ҚД бўйича наслий оғирлашганлик (ОР 0,60; 95%ДИ 0,32-1,12; $p=0,07$) ва семизлик (ОР 1,59; 95% ДИ 0,98-2,58; $p=0,05$) каби омиллар ишочлиликка яқин бўлди. CC гомозиготали генотип элтувчиларида ДР ривожланишига чекиш каби омил ҳам ҳисса қўшади (ОР 3,67; 95%ДИ 1,25-10,8; $p=0,05$) (2-расм).

Липид спектри критик даражаларининг учраш частотасига келганда эса, CG гетерозиготали генотип ташувчиларида қуйидагилар ретинопатиянинг кечишини оғирлаштиради: ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л (ОР 4,19; 95%ДИ 1,46-12,0; $p < 0,001$) ва ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л (ОР 3,23; 95%ДИ 1,74-5,99; $p < 0,001$).

CC гомозиготали генотип ташувчиларида ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л (ОР 6,82; 95%ДИ 1,62-28,6; $p=0,002$) ҳиссаси ишончли, ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л (ОР 5,60; 95%ДИ 0,77-40,9; $p=0,05$) ҳиссаси ишончлига яқин бўлди.

Кейин биз ДР ривожланишида НbA1c $> 7,0\%$ даражаси каби омилларнинг, шунингдек липид спектрининг кўрсаткичлари ҳиссасини таҳлил қилдик: ХС $\geq 4,5$ ммоль/л, ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л, ЛПВП $< 1,03$ ммоль/л, ва ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л (3-расм). Липид спектри критик даражаларининг учраш частотасига келганда эса, CG гетерозиготали генотип элтувчиларида ретинопатиянинг кечишини қуйидагилар

оғирлаштиради: ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л (ОР 4,19; 95%ДИ 1,46-12,0; $p < 0,001$) ва ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л (ОР 3,23; 95%ДИ 1,74-5,99; $p < 0,001$).

СС гомозиготали генотип ташувчиларида ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л (ОР 6,82; 95%ДИ 1,62-28,6; $p = 0,002$) ҳиссаси ишончли, ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л (ОР 5,60; 95%ДИ 0,77-40,9; $p = 0,05$) ҳиссаси ишончлига яқин бўлди.

Шундай қилиб, VEGF гени полиморфизмларига боғлиқ ҳолда ўзбек популяциясидаги 2-тип ҚД бўлган беморларда диабетик ретинопатиянинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда клиник-анамнестик кўрсаткичлар ўртасида касалликнинг давомийлиги, АГ мавжудлиги, триглицеридлар даражасининг 1,7 ммоль/л ва ЛПНП даражасининг 2,5 ммоль/л дан юқорилигининг VEGF гени С634G полиморфизми билан боғлиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг “2-тур ҚД бўлган ўзбек популяциясидаги эркакларда пролифератив диабет ретинопатия ривожланишини прогнозлаш” деб номланган бешинчи бобида ДР ривожланишининг энг кўп ахборот берадиган хавф омилларини аниқлаш, прогноз моделини ишлаб чиқиш ва 2-тур ҚД бўлган беморлар ўртасида хавф гуруҳини шакллантириш бўйича маълумотлар келтирилган.

ПДР прогнозлаш моделининг сифатини баҳолаш учун барча хавф омиллари учун VEGF гени С аллелларини ҳисобга олган ҳолда AUC параметрлари ҳисоблаб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал

ПДР ривожланиши билан ассоциацияланган хавф омиллари ва уларнинг генетик маркерларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлашдаги аҳамияти

Прогнозлаш омили	AUC майдони	
	омиллар	омиллар + аллель С VEGF
Артериаль гипертензия	0,78	0,86
ҚД давомийлиги	0,67	0,8
ХБП	0,67	0,8
НьА1с $>7,0\%$	0,63	0,8
Ёш ≥ 60 лет	0,62	0,76
ЎАБ кечқурун ≥ 130 мм.рт.ст.	0,64	0,75
Триглицеридлар $\geq 1,7$ ммоль/л	0,62	0,74
ЛПВП $< 1,03$ ммоль/л	0,61	0,73
ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л	0,59	0,72
Жамланган кўрсаткич	0,65	0,77

Шундай қилиб, бир омили таҳлил натижаларига кўра ўзбек популяциясидаги 2-тур ҚД бўлган эркакларда ПДР ни салбий прогнозлашнинг статистик жиҳатдан энг аҳамиятли омиллари ажратилди. ПДР ривожланиши билан боғлиқ омилар орасида анамнестик (ҚД давомийлиги, АГ, ≥ 60 ёш, СБК), гемодинамик (ЎАД кечқурун ≥ 130

мм.сим.уст.) кўрсаткичлар, шунингдек HbA1c >7,0%, триглицеридлар $\geq 1,7$ ммоль/л, ЛПВП <1,03 ммоль/л ва ЛПНП $\geq 2,5$ ммоль/л даражалари прогнозлаш жиҳатидан энг аҳамиятли, деярли тўлиқ, жуда юқори ва юқори боғлиқликка эга бўлган омиллар бўлди. Бундан ташқари, генетик маркерлар (VEGF гени С аллели ташувчиси) ни киритиш клиник-анамнез кўрсаткичлари билан комплексда ПДРни эрта ташҳислаш учун прогноз омилларинининг аҳамиятини кучайтириш имконини бериши аниқланди.

ХУЛОСА

«Ўзбек популяциясидаги 2-тур қандли диабетда диабет ретинопатияси бўлган эркакларда ACE, VEGF ва TGF генларининг полиморфизмини аниқлашнинг клиник аҳамияти» мавзуидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. ҚД 2-тури бўлган беморларда ҚД давомийлиги ва бошқа хавф омилларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ПДР хавфи бир хил бўлиши кўрсатилди.

2. Диабет ретинопатиясили беморлар ва назорат гуруҳидагилар орасида ACE ва TGF генлари полиморфизмларининг аллел ва генотиплари учраш частотасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади.

3. ҚД2-тур бўлган беморларда ПДР ривожланиши VEGF гени С634G полиморфизмининг CG генотиби билан боғлиқлиги аниқланди ($\chi^2=7,94$; $p=0,02$).

4. Ўзбек популяциясидаги 2-тип ҚД бўлган беморларда диабет ретинопатиянинг ўзига хос хусусиятларини VEGF гени полиморфизмларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилишда клиник-анамнестик кўрсаткичлар ўртасида касалликнинг давомийлиги, АГ мавжудлиги, триглицеридлар даражасининг 1,7 ммоль/л ва ЛПНП даражасининг 2,5 ммоль/л дан юқорилигининг VEGF гени С634G полиморфизми билан боғлиқлиги аниқланди

5. VEGF гени С634G полиморфизми пролифератив диабет ретинопатия ривожланишида прогнозлаш аҳамиятига эга (AUC – 0,66).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА Ё.Х.ТУРАКУЛОВА**

АКРАМОВА ГУЛЗОДА ГАЙРАТУЛЛАЕВНА

**КЛИНИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОЛИМОРФИЗМА
ГЕНОВ ACE, VEGF И TGF У МУЖЧИН С ДИАБЕТИЧЕСКОЙ
РЕТИНОПАТИИ ПРИ САХАРНОМ ДИАБЕТЕ 2 ТИПА УЗБЕКСКОЙ
ПОПУЛЯЦИИ**

14.00.03 – Эндокринология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Tib20.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом центре эндокринологии имени академика Ё.Х. Туракулова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Акбаров Заирходжа Собирович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Урманова Юлдуз Махкамовна**
доктор медицинских наук, доцент

Бобоев Кодиржон Тухтабоевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Казахский Медицинский Университет Непрерывного Образования**
(Алматы, Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 г.)

А.Г. Гадаев
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

С.И. Исмаилов
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день сахарный диабет (СД) и его осложнения, масштабы которых продолжают с каждым годом увеличиваться, причиняет большие человеческие страдания и огромные экономические затраты. Согласно данным Международной Федерации Диабета (МФД) в «...2017 году в мире насчитывалось 425 млн. (8,8%) больных СД...». В Узбекистане 5% населения подвержены СД, однако официально зарегистрировано немногим больше 230000 человек (0,8%). Сосудистые осложнения СД являются основной причиной преждевременной инвалидности и смертности, в том числе и слепоты больных СД. В связи с этим совершенствование методов прогнозирования, диагностики и лечения СД и его осложнений является актуальной задачей современной медицины.

Во всем мире проводятся исследования на определение генетических факторов риска развития как самого диабета, так и его осложнений. Значительный прорыв в изучении генетической предрасположенности к СД и его осложнениям был сделан благодаря проведению полногеномных исследований (Genome-Wide Association Studies – GWAS)¹. Одним из лидирующих причин слепоты остаётся диабетическая ретинопатия (ДР). Проллиферативная стадия диабетической ретинопатии характеризуется активным новообразованием сосудов сетчатки и формированием фиброзно-васкулярной ткани. В настоящее время признаётся, что кроме известных метаболических (гипергликемия, дислипидемия) и гемодинамических факторов (артериальная гипертония, нефропатия) существование наследственных, молекулярно-генетических факторов развития диабетической ретинопатии.

В Узбекистане также проводятся исследования на выявление генетических маркёров в развитии СД и его осложнений. Так, исследованиями Садиковой А.С. показано значение I/D полиморфизма гена ACE в развитии диабетической нефропатии у детей и подростков с сахарным диабетом 1-го типа (СД 1 типа), исследованиями Тахировой Ф.А. изучена роль I/D полиморфизма гена ACE и C/T полиморфизма гена TCF7L2 в развитии сахарного диабета 2-го типа (СД 2 типа), их значение в развитии инфаркта миокарда у больных СД 2-го типа, а также влияние I/D полиморфизма гена ACE на прогрессирование диабетической нефропатии.

Перед работниками медицины стоит важная задача реформирования системы здравоохранения на основе мировых стандартов, уменьшения осложнений сахарного диабета. Целенаправленная реализация этих задач

¹IDF Atlas 8th Edition

² Садиковой А.С. Эпидемиологические и фармако-генетические особенности хронической болезни почек при сахарном диабете 1 типа у детей и подростков узбекской популяции // Автореферат. – 2018. С 33-43.

³ Тахировой Ф.А. Клинико-генетические аспекты СД 2 типа и его некоторых макро-и микрососудистых осложнений // Автореферат. -2018. С 27-31.

